# Дам олиш саҳифаси



***Оилада кенжа ўғил бўлганим сабабли, хийла шўх, инжиқ ва эрка эдим. Бу эркаликнинг ўзига хос имтиёзлари бўлиб, таомнинг аввали, мева-чеванинг энг сархили меники эди. Ҳеч қаерда ёзилмаган бу қоидага онагинам сўзсиз амал қиларди...***

## БАҲОР ҚАРИГАН КУН

Қатра

Кейин... Кейин ёмғир аралаш қор ёққан қишнинг қора бир кунида онам фоний дунёни тарк этди. Мен чексиз меҳрдан баҳраманд бўлмай, яшашга бир амаллаб кўникдим. Энди ҳеч ким таомнинг аввалини ҳам, меванинг сархилини ҳам менга илинмас ва мен ҳам бунга кўникиб кетгандим.

Орадан кўп йиллар ўтди. Кимдир онам сингари меҳр кўрсатиши мумкин, деган фикрни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Катта ўғлимнинг катта қизи Ирода менга меҳрибонлиги фикримни инкор эта бошлади.

Ҳовлимизда савр ойи охирларида пишиб етиладиган бир туп ўрик бор. Баҳор қариётган кунларнинг бирида оиламиз аъзолари жамулжам бўлиб, сўрида ана шу ўрик меваларини тановул этардик.

— Бобожон, — деди Ирода бир маҳал, — мана бу ўрикларни енг. Сиз учун танладим!

Қизчанинг қўлида етилиб пишган тўрт дона сархил ўрик бор эди. Унинг кўзларига тикилдим. Бу кўзларда худди онам нигоҳларидаги сингари чексиз меҳр, муҳаббат ёлқинлари бор эди. Юрагим орзиқиб кетди.

— Ўзинг егин, она қизим! — дедим.

— Йўқ, йўқ, бобожон, мен бу ўрикларни сиз учун атайлаб танладим! Қаранг, қандай чиройли!

Қизалоқ қўлини узатиб турарди. Менинг эса баҳор қариган кунда навбаҳорнинг, меҳр баҳорининг нафасини сезиб, набирамнинг кафтидаги бежирим меваларга қараб негадир йиғлагим келарди...

**Жўра ФОЗИЛ.**

*Одамзот тирикликни давлат билсин,*
*Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.*

## ТАТИМАГАН ЗИЁФАТ

***Янгийўлга, хизмат сафарига борадиган бўлиб, автобусга ўтирдим. Рўмолчамни олиб, елпиниб тургандим, кимдир ён томондан товуш берди:***

***— Амаки, бу ёққа ўтиринг...***

***Қарасам, истараси иссиққина йигит кулиб турибди.***

***— Раҳмат. Сизни безовта қилиб...***

***— Э, баҳузур ўтиринг. Безовтаси бораканми? — деди йигит.***

***— Умрингиздан барака топинг, — дея у кўрсатган ўриндиққа чўкдим.***

***— Ҳозирги ёшлар ҳурмат қилишни билади, — деб қўйди ёнимдаги киши. Ўгирилиб, олтмиш ёшлар чамасидаги юзларидан нур ёғилиб турган одамга кўзим тушди. Салом бердим. Шеригим кўпни кўрган, сермулоҳаза киши эканлиги гурунг бошидаёқ аён бўлди.***

***— Шундай ёшларни кўрсам қувониб кетаман, — дейди у, — катталарга, ён-атрофидаги яқинларига, ота-онасига ҳурмат-иззати жойида. Юриш-туришидан, гап-сўзидан, муомаласидан кишининг баҳри-дили очилади. Омон бўлишсин, ишқилиб, тан-жонлари соғ бўлсин!***

***Бир зум ўз ўйларимиз билан қолдик.***

— Аммо ҳаётда, афсуски, ўзини, ўзлигини унутган, яқинларига, ота-онасига беэътибор, юраги тошга айланиб кетган, бемеҳр кишилар ҳам бор, — дея яна гапини қолган жойидан улади шеригим... — Келинг, ҳали манзилга етишимизга бор, ҳали-ҳануз кўнглимни ўртаб, безовта қилиб турган бир воқеани айтиб берай.

— Майли, — дедим.

— ....Ўтган йил десангиз, болаликдан тепишиб ўсган, ҳозир вилоятларнинг бирида дурустгина лавозимда ишлаб турган бир дўстим мени туғилган кунига таклиф этди. «Энг яқин жўраларни айтганман, келмасанг бўлмайди. Би-и-ир ёшлигимизни эслаб отамлашайлик!» деди у. Хўп, дедим. Вақтим тиғизлигига қарамай айтилган куни, белгиланган соатда дўстим хонадони эшигини қоқдим.

Ёшгина қиз эшикни очиб, салом берди ва мени ичкарига таклиф қилди. Дарвозахонадан ўтиб бораётиб, шундоқ сўл томондаги оддийгина шолча тўшалган, зах ҳиди уфуриб турган ҳужрага кўзим тушиб қолди. Кимдир ичкарида ўхчиб йўталди. Тўхтаб қарасам, жилд ҳам қопланмаган эски бахмал ёстиқни бошига қўйиб момо ётибди. Юрагим шув этди. Ахир, бу дўстимнинг онаси, волидамнинг энг яқин дугоналаридан Умугулсин момом-ку!

Мени бироз олдинда, ҳовлига кираверишда кутиб турган ҳалиги қизни ҳам унутиб, шошганимча ҳужра остонасини ҳатлаб ичкари кирдим.

— Ассалому алайкум, Умугулсин эна, бормисиз, соғ-саломатмисиз? — дедим момо қошида чўкиб.

Момо кўзлари хиралашган чоғи, менга бошдан-оёқ тинғшаб қаради. Кейин:

— Овозингдан Мукаррамманинг ўғли Мамасолига ўхшайсан. Мамасолимисан? — деб сўради.

— Ҳа, ҳа моможон, Мамасолингизман, — дедим овозим товланиб — рости, кампирни бу ҳолатда кўраман, деб сираям ўйламаган эдим. Гулдай аёл эди-я Умугулсин момо! Ёлғиз ўғлини еру кўкка ишонмасди. Мактабдан сал кеч қолсак, кўчага чиқиб, йўл пойлаб турарди. Куз маҳаллари далага — пахта тераётган жойимизга ўғли Муртазо яхши

Гурунг



кўрадиган қиймали мастава қилиб, чавати нонларни ёпиб берарди.

Шуларни ўйлаб момонинг ҳузурида анчайин ўтириб қолдим.

Шу пайт тақир-туқур қадам босиб, хонага Муртазо кириб келди.

— Ҳе, ўзингмисан! Бу Сурайё ўртоғингиз келдилар, деганига ярим соат бўлди... Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?! — деди у. Дўстим хиёл ширакайф эди.

— Холамни кўриб, бирпас суҳбатларини олиб кирмоқчийдим, — дедим у билан қучоқлашиб кўришгач.

— Ҳе, ахир дастурхон маҳтал бўлиб қолди-ку! Меҳмонлар ҳам кутиб ўтиришибди! А, мамашка, нималар деб эзмаланиб, ҳалитдан бери меҳмонни тутиб ўтирибсиз! — деди хиёл овозини кўтариб онасига юзланаркан Муртазо. Кейин менга қараб, кўрсаткич бармоғини калласига обориб, бураб кўрсатаркан, қизарган кўзларини хиёл қисиб, шипшиди:

— Мия ҳам сал ҳалигиндақа чалғиган-да! Ҳойнаҳой, мени ёмонлагандир?

— Нималар деяпсан? — дедим. — Ахир, онага ҳам шундай муносабатда бўладими, одам деган.

— Майли! Бас қил! — деди у. — Қани тур, меҳмонлар кутиб қолишди.

— Бор болам, бор! Майли, қаерда бўлсанглар ҳам омон бўлинглар! — деди момо қўлларини дуога очиб, — тупроқ олсанглар олтин бўлсин!

— Ҳе, бўлди, эна, — деди дўстим онасига беписанд қараб, — эзмаланаверманг энди!

...Чўғдек гиламлар билан безатилган катта зал меҳмонлар билан гавжум. Дастурхон устига гўёки дунёдаги борлиқ ноз-неъматлар тўкиб ташланган эди. Хонада шўх тарона янграр, меҳмонлар жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушишарди.

Даврадагилар билан қўлимни кўксимга қўйиб сўрашган бўлдим. Кимдир узатган чойдан бир ҳўпладим. Дастурхонда тандиркабоб дейсизми, қази-қартами... ҳамма нарса бор. Аммо, менинг томоғимдан шу топда ҳеч нарса ўтмас, зах, нимқоронғи ҳужрада бир ўзи шумшайиб ётган Умугулсин момо кўз олдимдан кетмасди.

Бу даврадан кўра момо билан қуруқ чой ичиб, у кишининг суҳбатларини олиб, гурунглашиб ўтиргим келарди.

Битта жиззали нон устига икки тугун қазини қўйиб, ўрнимдан тураётгандим дўстим кўриб қолди:

— Ҳа, йўл бўлсин?! — деди у.

— Шуларни энамга бериб, бир пас...

Гапим бўғзимда қолди.

— Энамми, кампир жуда чимтомоқ. Овқат емайди. Қаригандан кейин шу-да. Ундан кўра даврага чиқ, ёшлигимизни эслаб бир ўйнайлик.

Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Дўстимнинг ҳай-ҳайлашига қарамай қўлимдаги ликопча билан момо ҳузурига ошиқдим.

Кампир мени кўриб кўзларига ёш олди. Онамни, бирга-бирга далада ишлаб юрган дамларини эслади.

— Энди, хафа бўлмайсан. Ўртоғинг сал эркароқ ўсди... — деб қўйди ўғлининг бояги қилиқларидан хижолат бўлиб. — Майли, соғ-саломат бўлсин, униб-ўсиб, бола-чақаларининг орзу-ҳавасини кўриб юрсин! Тўлсин-у тўкилмасин!

— Шу куни дўстимнинг хонадонидан онамнинг, онажонимнинг яқин дугонасини кўрганимдан ҳам юрагим ёришиб, ҳам кўнглимнинг бир томони зим-зиё қоронғи бўлиб чиқдим, — дейди чуқур сўлиш олиб ҳамроҳим. — Эҳ, нимасини айтасиз. Шундай фарзандлар ҳам бўларкан-да, ҳай, ишқилиб инсофини берсин!

Автобусимиз бу орада Янгийўл шоҳбекатига келиб тўхтади. Кўпни кўрган, дилкаш ҳамроҳим билан хушу хандон хайрлашдик.

**Нодир НАРЗУЛЛАЕВ.**

***Илм деб ўқумак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм дунёнинг иззати... Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур.***

## ИЛМ

Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъул бўлишимизга сабаб бўлур.

Мерос

Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқча қила олмас. Илмнинг фойдаси шу қадар кўпдирки, таъриф қилғон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни илм жаҳолат қоронғулиғидан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ямон феълардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдирур, жанобу ҳақнинг азамат ва қудратини билдирур.

Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлидур. Пайғамбаримиз «Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, нақл ва ривоят қилгучилардан бўлмангиз», — демишлар.

*Илм бир дарё, ичи*
*тўлмуш дуру гавҳар*
*билан.*
*Қиймату қадрин қачон*
*билғай ани жоҳил*
*илан.*

**Абдулла АВЛОНИЙнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асаридан.**

## — ОШ БЎЛСИН!



*Гуриллайди ўчоқларин оловлари,*
*Кўнгиллардан қўр олгайдир қаловлари.*
*Меҳмоннавоз элнинг ризқи бутун бўлар,*
*Сизга тортиқ ўзбегимнинг паловлари.*

## КАМОЛ ВА ЗАВОЛ

Шогирд устоддан сўради:

— Илм ва амал жиҳатидан одамларни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин?

Устод деди:

— Ушбу маънода одамлар уч тоифага ажралади. Биринчиси, ҳайвоний туйғулар ила ҳайвоний ва дунёвий ҳаётни яшайдиганлар. Иккинчиси, фақат диний туйғулар ила илоҳий ҳаётда яшайдиганлар. Учинчиси, дунёвий ва руҳоний ҳаётни ўзаро бирлаштириб ҳар икки ҳаёт гаштини сурадиганлардир. Булар Ҳақ ишини қанча хуш кўрсалар, халқ манфаати учун заҳмат чекишни янада муқобил санарлар. Ҳам Ҳақ, ҳам халқ билан бўлмоқ эса энг буюк фароғат эрур.

Илм ва фикрга чанқоқ шогирд устодидан сўради:

— Устод, ақлу идрокнинг кушандаси нима?

— Жаҳл ва ғазаб.

— Ҳаё ва уятнинг заволичи?

— Таъма ва очкўзлик.

— Кўнгил кушандаси нима?

— Ҳасад ва адоват. Ҳасад домига тушган кўнгил ҳолига ҳар қанча ачинса арзийди. Чунки бошқа офатлардан қутилиш мумкин. Лекин ҳасад балосидан халос бўлиш ниҳоятда мушкулдир. Бу ҳақда ҳазрат Навоий жуда доно ва ибратли сўзларни битиб қолдирганлар:

*Ҳар кимки, ҳасад*
*хислатидур, вой анга,*
*Иқбол ила фарқ*
*ўлса фалак сой анга.*
*Ҳеч офатдин бўлмаса*
*парвой анга,*
*Ҳам ўз ҳасади*
*офатидин вой анга.*

Устод, қадим китобларда инсон тўққиз жавҳардан яратилган дейилган экан. Бунда нималар назарда тутилган?

Минг бир ҳикмат

— Ўша тўққиз жавҳарнинг тўрти — ҳаво, сув, олов ва тупроқдан юзага келган бўлиб, улар суяк, қовурға, томир ва теридир. Бўтам, бу



тўрт жавҳар фарзандга ота тарафидан ўтади. Қолган беши — яъни илик, гўшт, қон, ёғ ва соч она томонидандир. Мана шунинг учун ҳам фарзанд отага нисбатан онага кўпроқ талпинади ва чуқурроқ боғланади. Шу боисдан ҳам «Жаннат оналар оёғи остидадир», дейилмишдир.

Шогирд комилликка эришиш учун энг зарур фазилатлар ҳақида сўраганда устоди демиш:

— Булар тўрттадир. Биринчиси гўзал ахлоқ, иккинчиси яхши сўз, учинчиси ҳимматитом ва маърифат соҳиби бўлишдир.

Ушбу тўрт фазилатни қўлга киритиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида эса устод бундай деган экан:

— Аввало, сабр-қаноатли бўлиш лозим. Кейин, дунё қандай бўлса, худди шундай ҳолда кўриш ва билиш керак. Имкон қадар, ҳеч кимса билан тортишиб-талашмаслик зарур. Ва, ниҳоят, мушоҳада завқини тинимсиз юксалтириш жоиздир.

Шогирд донишманд устодидан сўради:

— Устод, бизга душманлик назари билан қарайдиганлар ила қандай муносабатда бўлайлик?

Устод деди:

— Бундай кимсалар билан ўтириб турмоқ руҳни ўтмаслаштиради. Шунинг учун имкон қадар уларга яқинламаслик лозим. Сизнинг фикрларингизни тескари қабул қилувчилар билан алоқада бўлиш эса маънавий завқнинг йўлини тўсгай. Демак, завқ муҳофазасини ҳам унутмаслик керак. Шоир рост айтмиш:

*Ҳолимға ҳол уланур ҳол*
*аҳли суҳбатинда,*
*Завқинг зиёда бўлур ҳол*
*аҳлин суҳбатинда.*

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ.**

Билиб қўйган яхши

***Қулупнай ширин таъмли мева ҳисобланади. Бу неъмат нафақат ўзининг татимлилиги ва ширинлиги билан, балки шифобахшлилигига кўра ҳам қадрлидир.***

## ҚУЛУПНАЙ ШИФОСИ ВА...

Халқ табобатида қулупнай мевалари терлатувчи, безгак хуружига қарши, пешоб ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Бундан ташқари, уни буйрак, жигар, талоқ оғриганда, ўт ва ошқозон-ичак йўлларининг яллиғланиши билан боғлиқ бўлган касалликка чалинганда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Қулупнайнинг сархил мевалари мия томирларининг склерозига, гипертония, колит, меъда ярасига ижобий таъсир кўрсатади.

Машҳур швед ботаниги Карл Линней никриз (подагра) касаллигидан фақат қулупнай меваларини истеъмол қилиш билан бутунлай фориғ бўлган экан.

Ўрни келганда, шуни қайд этиш керакки, қулупнай меваларини тоза сувда ювилганидан сўнг истеъмол қилиш тавсия этилади. Чунки, уни етиштиришда маҳаллий ўғитдан фойдаланилади. Таркибида эса жуда кўп гижжа тухумлари (гельминтлар)



бўлади. Тоза сув мазкур иллатларни бартараф этади.

Ҳозирда баъзан қулупнай истеъмол қилганларда эшакем (аллергия) хасталиги билан озорланиш кузатилади. Бунга сабаб, ҳосил етиштиришда кимёвий воситалардан фойдаланилганлиги бўлса, иккинчи тарафдан, одамнинг айрим унсурларга нисбатан таъсирчанлиги турлича бўлиши сабабчидир.

Мабодо қулупнай еган кишида аллергияга мойиллик бўлса, унда «Супрастин» ёки «Диозомин» препаратидан бир дона ичса кифоя. Бу борада чучукмия (қизилмия, ширинмия) ўсимлигининг илдизлари дамламасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Маннон НАБИЕВ, доришунос.**

## «Сурхон» какликлари



Булбул навоси боғни яшнатса, каклик хониши дилни яйратади. Бутун борлиқ яшилликка бурканган ушбу кунларда юртимизнинг гўзал гўшалари — тоғ ва тоғёнбағирларида каклик, қўмой, бургут сингари табиатнинг энг ноёб қушларини учратишингиз мумкин.

"Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"га ёзилган ушбу қушлар парвариши ва кўпайтирилиши "Сурхон" қўриқхонасида қатъий назоратга олинган. Инсонларнинг меҳри тафтини ҳис қилган ушбу қушлар қарийб 24583 гектарлик майдонни эгаллаган қўриқхонанинг зийнати ҳисобланади.

Фарғона вилояти Давлат архитектура қурилиш назорат инспекцияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари Олимжон Юлдашевга турмуш ўртоғи **Лола ЖУМАХАДЖАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ISSIQLIKMONTAJ» МЧЖ жамоаси бош директор Неъмат Арабовга онаси **Маҳфират АРАБОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Республика қўғирчоқ театрининг бош режиссёри Фатхулла Хўжаевга падари бузруквори **УБАЙДУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси, «Ўзмиллийбанк» бошқарувининг раиси Саидаҳмад Раҳимовга онаси **Турсуной БОБОНАЗАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси жамоаси «ISSIQLIKMONTAJ» масъулияти чекланган жамияти бош директори Неъмат Арабовга онаси **МАҲФИРАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси одам анатомияси ва гистология кафедрасининг доценти Абдуқодир Дўстматовга падари бузруквори **ТЕШАБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.20 23456